29 МАЙ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 118 (5409).
26 МАЙ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи бирлашмасининг ўнлаб меҳнат илғорлари республика пойтахтининг тўққиз илғор ишчиси меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлади ва ҳ. а. р. Улар орасида 7-механика цехининг йиғувчиси Вера Марковна Харитонова ва 2-механика цехининг бригадири Николай Иванович Сидоренко бор. Улар тўрт ойлик ишлаб чиқариш якунларига кўра барча асосий кўрсаткичлар бўйича графикдан ўзган ҳолда меҳнат топшириқларини бажарди.

Шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, шаҳримизнинг ана шу йирик машинасозлик корхонасида меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент ошириш, пландан ташқари 90 та трактор тайёрлаш, 350 минг сўм соф норматив маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулот таннархини ярим процент камайтириш эса 1 миллион 730 минг сўм тежашни таъминлайди.

Илғорлар намунаси

БУГУН

Тошкентдаги «Ҳурмат белгиси» орденли 1-уйсоялик комбинатида ўнлаб йил бошидан бери ишлаб чиқарилган замонавий, қулай ва шинам квартиралар миқдори 2,5 мингтадан ортиб кетди. Корхонада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ илғор бетончилар бригадаси коллективи кўпчиликка намуна бўляпти. Бу бригада йигитлари уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Ҳар ҳафтада 270—180 кубометрдан ортиқ темир-бетон тайёрлаб, қурилиш объектларига жўнатишяпти.



СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Ўзбекистонимизнинг муборак 60 йиллик юбилейини юксак марраларни забт этиш билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. 31-цех ушбу корхонанинг бош йиғув участкаларидан саналади. Бу ерда меҳнат илғорлари коллективнинг аксарият қисмини ташкил этади. Коммунистик меҳнат зарбдори Р. Абдурасулова ана шундай фидойилардан. У ўзига бириктирган план-топшириқларни 125—130 процентдан бажаришга эришмоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Р. Абдурасулова.
М. Нурмуҳаммад фотоси.

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН


Мебель фабрикасида кенг истеъмол буюмларини тайёрлашга ўз вақтида эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда корхонада бундай буюмларнинг хилм-хил 34 тадан иборат. Улар орасида автомобиллар ойнаси, рангбаранг рўзғор анжомларга бу янги маҳсулотдан 5 миллионга яқин донаси жўнатилди. тайёрланаётган буюмлари бор.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!

• *Сўз—фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига*

Тинчлик—миллионлаб кишиларнинг эзгу сўзи

Абдул ҲОКИМ ҲОЛИҚ,
Афғонистон Демократик Республикаси кинематографчилар союзи раиси.



— Ўзбекистон пойтахтида уч қитъа кино санъаткорларининг халқаро анжуманини катта муваффақият билан ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриги биз кино намояндаларини айниқса тўлқинлантирди. Унда прогрессив кино арбоблари олдида турган бугунги куннинг ғоят муҳим масалалари таъкидланган. Биз афғон экран усталари халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий қардошликка, жаҳонда тинчликни сақлаб қолишга ўзининг беқиёс таъсирини ўтказадиган фестивалда қатнашаётганлигимиздан ғоят мамнунмиз.

Бундан олти йил муқаддам афғон инқилоби халқимизга озодлик олиб келди. Бу инқилоб маориф ва маданиятни ривожлантиришда катта имкониятлар очиб берди. Афғон кино усталари ҳам инқилобни ҳимоя қилиш борасида ўз сўзларини айтишмоқда. Навбатдаги Тошкент VIII Халқаро кинофестивалига «Қочиш» бадиий фильми тақдим этилган. Унда аксилинқилобчиларнинг қабиҳ ниятли тузоғига илинган оддий кишиларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Бугунги кунда Афғонистонда кино ўзининг яратувчилик таъсири билан кўп минглик аудиторияни қамраб олмоқда. Фақатгина Кобул шаҳрида ҳар куни 5 минг киши кинофильмлар кўряпти. Бутун мамлакат бўйлаб 35 та кинотеатр ишлаб турибди. Бундан ташқари ҳар бир корхонада, муассасада, ўқув юртида кино қурилмалар ишлаб турибди.

Афғонистон Демократик Республикаси кинематографияси ва унинг ижодкорлари дўст социалистик мамлакатларнинг яқиндан бераётган ёрдамини яққол ҳис этиб турishibди. Ёш мутахассисларимиз СССР, ГДР, Болгария, Чехословакияда ўқишмоқда ва маҳоратни оширишмоқда.

Афғонистон инқилоби ғалабасини мустаҳкамлаш учун тинчлик жуда ҳам зарурдир. Империалистик пропаганда халқ революциясини бўғиб ташлаш, унинг дўстларига, шу жумладан Совет Иттифоқига бўҳтонлар ёғдиришда ҳеч қандай нарсадан тоймаётир.

Афғон кинематографчилари ўз ленталарида бундан буён ҳам ҳамиша тинчлик, дўстлик, қудратини улуғлайдилар.

ОБРЎЛИ АНЖУМАН

Траоре ФАНТА,
Сенегал кинематографчилари делегациясининг бошлиғи, кинодепортамент директори.



— Сенегал экран усталари кўпгина Халқаро Тошкент кинофестивалларининг иштирокчисидир. Ўтган сайин тинчлик ва дўстлик анжумани —Тошкент халқаро кинофестивалларининг обрў-эътибори ошиб боряпти.

Биз фестивалга «Байрам бошланяпти» деб номланган қисқа метражли бадиий ва «Сахрони тўхтатинг» номли ҳужжатли фильмларимизни расмий намойиш этиш учун олиб келдик. Бу картиналарни тошкентлик томошабинлар, фестиваль қатнашчилари яхши кутиб олдилар. «Байрам бошланяпти» номли картинамиз Африка ёшлари олдида турган бугунги муаммолар, шунингдек, уларнинг муҳаббати мавзусида. Ҳужжатли лентамиз эса сувсиз саҳрони ўзлаштириш, унинг экинзорларига солаётган хавфини камайтириш масалаларига бағишланган.

Мен Ўзбекистон пойтахтида биринчи бор бўлишим. Шундай бўлса-да, шаҳрингиз мени ўзига мафтун этди. Қисқа вақт ичида унинг диққатга сазовор жойлари билан танишишга муваффақ бўлдим. Хамма жойда бизни гуллар ва табассум билан қарши олишяпти. Фестиваль муваффақиятли иш олиб бориши учун амалга оширилган тадбирлар ҳам бизга айниқса манзур бўлди. Уч қитъа экран усталари бу ерда бир-бирлари билан учрашмоқдалар. Ўз санъатларини инсонга хизмат қилдиришдек эзгу ишга сафарбар этиш йўлида ижодий мунозаралар, мулоқотлар олиб боришяпти.

ҚАДРДОН ШАҲАР

Ирина АЛФЕРОВА, киноактриса, Москва.



— Тўғрисини айтганда, VIII Халқаро Тошкент фестивалида қатнашаётган совет делегацияси сафида биз экран усталари учун айниқса қадрдон бўлиб қолган Тошкентга келганимдан жуда мамнунман. Менга шаҳарнинг такрорланмас қиёфаси, меҳмондўст тошкентликларнинг самимийлиги ва санъатни севиши жуда ёқади. Биз бу гал ҳам шаҳарни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Бундан тўрт йил олдин ҳам халқаро Тошкент кинофестивалида иштирок этган эдим. Шундан буён Тошкент янада гўзаллашибди, унинг икки миллионинчи граждани туғилибди. Икки миллион аҳоли яшаётган Тошкент гўзалликда планетамизнинг ҳар қандай шаҳри билан беллаша оладиган замонавий қиёфага эга.

Биз бу ерда уч қитъа мамлакатлари экран усталари билан ижодий мулоқотларда, учрашувларда иштирок этдик. Совет кино делегацияси жаҳон кино усталари эътиборига ретроспектив намойиш орқали ҳавола этган бир қатор фильмларда мен ҳам роллар ижро этганман. «Сарсонлик-саргардонликда», «Муҳаббат туйғуси», «ТАСС маълум қилади...» каби фильмларда суратга тушганман. Шу кунларда Горький номидаги болалар ва ўсмирлар киностудиясида яратилаётган янги фантастик фильмда менга топширилган образ устида ишлаяпман. Ижодий режаларим ҳақида гапирганда, кино мухлисларига янада манзур бўладиган образлар яратиш устида тинимсиз изланишим зарурлигини айтмоқчиман. Бундай изланиш ҳар бир кино санъаткор учун доимо муҳимдир.

Тошкент кино байрамида биз яна кўплаб мамлакатларнинг кинематографияси қандай тараққиёт йўлидан бораётганлиги билан яқиндан танишдик. Бизнинг кўпгина фильмларимиз ҳам Ўзбекистон пойтахтидаги ижодий учрашувлар орқали бошқа мамлакатларнинг томошабинлари сари йўл олаяпти. Шунинг учун ҳам бу ердаги дўстона учрашувлар бизни янги ижодий изтуқларга илҳомлантиради.

МУРАББИЙ— ДЎСТ ВА ЁРДАМЧИ

Дастлабки беш йилликлар даврида стахановчилар, изотровчилар ва бошқа илғор тажриба мактаблари замирида юзага келган мураббийлик ҳаракати бугунги кунда янги мазмун касб этди, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ешларни кекса авлодларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш, йигит ва қизларда Ватанга, партия ва халқ ишига чексиз садоқат, меҳнатсеварлик, коллективчилик туйғуси сингари юксак ахлоқий сифатларни шакллантиришдан иборат мураббийликнинг долзарб мақсадлари ўзгармаслигича қолди.

Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Советининг ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 25 май куни Тошкентда бўлиб ўтган қўшма пленумида ана шу ҳақда гапирилди. Пленумда партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш ҳамда республика касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, республика мураббийлар кенгашининг раиси «Таштекстильмаш» заводининг йиғувчи слесари М. К. Қулибоев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина, сўзга чиққан бошқа кишилар мураббийлик ўзида тарбиялаш ва ўқитишни узвий боғлаган ҳолда давримизнинг ажойиб фазилатларидан бири бўлиб қолганлигини уқтириб ўтдилар. Ўзбекистонда 180 мингдан ортиқ мураббий 300 мингдан ортиқ йигит ва қизни оталиққа олган.

Касаба союзлари ва комсомол мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор беришлари зарурлиги уқтириб ўтилди.

Қўшма пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

● 25 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко КХДР партия-давлат делегациясига бошчилик қилаётган КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан учрашди.

Учрашув вақтида иккала партия ва иккала давлат ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

К. У. Черненко билан Ким Ир Сеннинг учрашуви самимий дўстона вазиятда ўтди.

25 май куни Кремлда Совет раҳбарлари билан КМП Марказий Комитети Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги КХДР партия-давлат делегацияси ўртасидаги музокаралар тугади.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг бутун комплексини таҳлил этиб, бу муносабатлар муттасил олға ривожланаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан

МАПУТУ, 24 май (ТАСС). ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан ҳамда КПСС билан ФРЕЛИМО партияси ўртасидаги партияларараро ҳамкорлик планига мувофиқ бугун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Р. Ҳ. Абдуллаева бошчилигидаги республика Компартияси партия ходимлари делегацияси бу ерга келди.

Халқаро аэропортда делегацияни ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Мозамбик қурилиш ва сув хўжалиги министри Жулиу Каррилью, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ДЎСТЛАРНИНГ БАЙРАМИ

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 25 май куни бўлиб ўтган йиғилиши СССР билан Афғонистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 65 йиллигига бағишланди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтининг ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит-қизлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар Совет Иттифоқи интернационал бурчига амал қилиб, Афғонистон халқи апрель инқилобининг ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя этиши учун Афғонистон Демократик Республикасига дўстона қўлини чўзди, дедилар.

Йиғилишда АДРнинг Тошкентдаги Бош консули Муҳаммад Насим Жўя нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• Футбол ЎСМИРЛАР БАҲС БОШЛАШДИ

Кеча Москвадаги В. И. Ленин номли Марказий стадионда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Европа биринчилигининг тантанали очилиш маросими бўлди. Баҳслар мамлакатимизнинг тўрт шаҳри — Москва, Ленинград, Киев ва Минск шаҳарларида ўтказилмоқда. СССР терма командаси Англия, ГДР ва Люксенбург терма командалари билан Москвада баҳслашяпти. Ленинградда Ирландия, Шотландия, Греция ва Португалия, Киевда Болгария, Дания, Польша ва Италия, Минскда Чехословакия, Венгрия, Швейцария, Испания терма командалари беллашмоқдалар.

Ҳар бир группа ғолиби ярим финалда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Чемпион учинчи июнь куни аниқланади.

Кеча бўлиб ўтган биринчи тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: СССР — Люксембург — 5:0, Англия—ГДР — 1:1, Ирландия—Шотландия — 3:0, Греция—Португалия — 1:3, Болгария—Дания — 2:2, Польша — Италия — 1:0, Чехословакия — Венгрия — 0:3, Швейцария — Испания —1:2.





Тошкент кинофестивали турли мамлакатларнинг кинематографчилари ва актёрлари ижодий мулоқотлар олиб борадиган ўзига хос кино байрами ҳамдир. Тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда кино санъатининг вазифаларн ва проблемалари тўғрисида амалий учрашувлар, ижодий мунозаралар давом этмоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: ўзбек кинорежиссёри Латиф Файзиев япониялик ҳамкасби Ямада Кадзуо билан суҳбатлашмоқда; москвалик таниқли кино актрисаси Ирина Алферова ленинлик меҳмонлар даврасида.

Т. Каримов фотолари.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро Тошкент кинофестивали программасига мувофиқ Санъат саройида расмий намойиш этилган Филиппин, Колумбия ва Ҳиндистон фильмлари юзасидан совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлди. Республика Киночилар уйида «Совэкспортфильм» томонидан ташкил этилган кино бозори ўз ишини давом эттирди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кечқурун махсус поезд билан қадимий ва навқирон Самарқандга йўл оладилар. Эртага кино байрами қатнашчиларн шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари, янги меъморчилик иншоотлари билан танишадилар. Областнинг боғбонлари ва пахтакорлари ҳузурида бўладилар.

Халқаро кино фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари душанба куни эрталаб Тошкентга қайтиб келадилар. Улар Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш республика жамиятида Тинчликни ҳимоя қилиш Комитети, Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларн билан алоқалар комитети актнвлари билан учрашадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг ўнинчи сессияси 1984 йил 28 июнда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— республика халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисидаги» қарорини, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида ўз аксини топган кўрсатмалар ва тавсияларни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари ҳақида;

— ССР Олий Советининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорини амалга ошириш тадбирлари ҳақида;

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1984 йил 25 май.

АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ ШАРАФИГА

Бутун тараққийпарвар инсоният билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари Африка халқлари кўп миллионли оиласининг байрами —Африка Озодлиги кунини кенг миқёсда нишонладилар. Шонли сана шарафига 25 май куни Тошкент жамоатчилиги намояндаларининг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишга Африка мамлакатларидан келиб, республика олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар таклиф қилинди. Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган VIII халқаро кинофестивалнинг қатнашчилари ва меҳмонлари ҳам йиғилишга келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва сўзга чиққан нотиқлар совет кишилари Африка қитъаси халқларининг империализмга, мустамлакачиликка, иркчиликка ва апартеидга қарши одилона курашини изчиллик ва қатъият билан қўллаб-қувватлаб чиқаётганликларини таъкидладилар. Миллий озодлик ҳаракатларининг зарбалари остида кўпчилик мустамлакачилик режимлари барбод бўлганлиги, мустақилликка эришган давлатларда миллий экономика ва маданият дадил ривожланаётганлиги, қашшоқлик ва саводсизлик тугатилаётганлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон меҳнатчилари ўзининг озодликка бўлган ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Намибия ва Жанубий Африка халқларининг қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлаб келдилар ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверадилар, деб уқтирди мажлис аҳли.

Ҳозир, жаҳон ҳукмронлигига интилаётган АҚШ маъмуриятининг агрессив сиёсати натижасида дунёдаги вазият ҳаддан ташқари кескинлашган, ядро уруши хавфи кучайган бир пайтда ер юзидаги барча холис ниятли кишилар учун тинчликни умумий куч-ғайратлар билан ҳимоя қилишдан, қуролланиш пойгасини жиловлашдан, империалистларнинг айби билан Африка қитъасида вужудга келган кескинлик манбаларини тугатишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ, дейишди нотиқлар.

(ЎзТАГ).

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида Африка озодлиги куни муносабати билан шаҳримизда таълим олаётган хорижий мамлакатларнинг йигит ва қизлари учун катта сайл ташкил этилади. Улар бу ерга Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашадилар.

●

Еш ўзбек композитори Нурилла Зокиров «Баҳор» концерт залида ўзининг ижодий кечасини ўтказди. Бастакор машҳур совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асари асосида балет музыкасини яратиб, ўзбек театр санъати хазинасига муносиб ҳисса қўшди. Кечада унинг бир қатор замонавий мавзудаги асарлари ижро этилди.

ОВ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совет 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 16—21, кундузи 26—31 даража иссиқ бўлади.

МУСОБАҚАТАЪСИРЧАН ВА ҚАМРОВЛИ БЎЛСИН

• Мажбуриятлар бажарилишини текширамиз

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ТИНМАЙ ОШИРАЙЛИК, БИР МАРОМДА ИШЛАЙЛИК, ОЗ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ВА КУЧ САРФЛАБ, КУПЛАБ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК.

Биз беш йилликнинг ниҳоятда масъулиятли маррасига чиқиб олдикки, бунда энди ойлар ҳисобга олинмоқда. Бунда аҳвол шундайки, хўжалик ишимизни янада кучайтирмасликнинг иложи йўқ.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛСИН

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

Мусобақадош районларнинг корхоналари коллективлари саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг шу йилнинг январь-апрель ойлари учун белгиланган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини муваффақиятли адо этдилар. Жумладан, маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича топшириқни Ҳамза район 2,1 процент, Куйбишев район 1,2 процент ортиғи билан адо этди. Тўрт ой мобайнида планга қўшимча нисбатан 6.850 минг сўмлик ва 2.528 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми план кўрсаткичидан нисбатан 2,2 ва 0,8 процент юқори бўлди. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 11,9 ва 5,2 процент юксалди.

Меҳнат унумдорлиги ҳажми бўйича план Ҳамза районида 102,3 ва Куйбишев районида 100,4 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,0 ва 4,1 процент юксалди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мусобақадош районларда сўнгги йилда 42.601 минг ва 11.352 минг сўмликка юксалди. Бунда Ҳамза районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85,7 процентига, Куйбишев районида эса 78,8 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Электромонтаж буюмлари, санитария-техника ускуналари, «Ташэлектромаш», темир-бетон кўприк конструкциялари заводлари, ёғ-мой комбинати, қоғоз фабрикаси (Ҳамза район), «Узбекхлопкомаш» машинасозлик заводи, «Эталон» тажриба заводи, 2-ёғочни қайта ишлаш заводида (Куйбишев район) сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми 10 процентдан кўпроққа юксалди.

Бироқ белгиланган номенклатурада маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳамма корхоналар ҳам бажарди, деб бўлмайди. Улар қаторида енгил металл конструкциялар, синтетик ювиш воситалари заводлари, «Узглавстрой»нинг 2-темир-бетон буюмлари заводи, Озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-механика заводи, «Ташкентвино» комбинати, упа-элик фабрикаси (Ҳамза район) «Ташкенткабель», «Ташавтоматика», лак-бўёқ (Куйбишев район) кабн корхоналар бор.

2-дон маҳсулотларн комбинати (Ҳамза район), «Средазкабель», «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фан» босмахонаси (Куйбишев район) товар маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Ҳамза район саноатида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 3,8 процентни, Куйбишев районида 37,7 процентни ташкил этди.

Ҳамза районида кенг истеъмол буюмларн ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик план 97,9 процентга, Куйбишев районида 105,3 процентга бажарилди. Ҳамза районида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планнини синтетик ювиш воситалари, электромонтаж буюмлари заводлари, 2-дон маҳсулотлари комбинати, Куйбишев районида экскаватор заводи барбод қилдилар.



Куйбишев районида трактор заводи, Ҳамза районида эса «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмаси пешқадам саналади. Мусобақадош районларнинг машинасозлари 1984 йил учун, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган давлат плани ва социалистик мажбуриятларнин муваффақиятли адо этишаяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) тракторсозларнинг илғор комплекс бригадаси (чапдан-ўнгга) Салават Гореев, Игорь Хохлов, бригадир Сергей Егоров, Ўктам Турсунов, Рўза Абдурасулова ва Эргаш Мадраҳимов;

«Подъёмник» бирлашмасининг илғор слесарлар бригадаси аъзолари: (чапдан-ўнгга) Сергей Николаев, Владимир Шедов ва бригадир Алексей Комаров.

М. Нуриддинов фотолари.



• ИШЧИ МИНБАРИ

Меҳнат қувончи

Заводимиз фидокорлари серқуёш диёримизнинг шонли 60 йиллик юбилейи йилида 26 миллион 805 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилишган. Бу улкан марра, албатта. Ишчиларимиз ана шу марраннинг бутун масъулиятини англаб, юксак унумдорлик билан меҳнат қилишмоқда. Йил бошидаёқ муборак сана шарафига бригадалар, цехлараро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. Ишчилар «Зарбдор меҳнатимиз —республика юбилейига» шиори остида ғайрат кўрсатишиб, ҳозиргача суръатни сусайтиришгани йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида самарадорликни янада оширишга, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент қўпайтириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу тадбирларнинг амалга ошиши йил давомида биргина бизнинг цехимиз бўйича 30 минг сўмлик фойда келтиради. Социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш, олинган мажбуриятларга масъулият кўзи билан қараш, айниқса яхши натижалар бермоқда. Юбилей йилида корхона бўйича планга қўшимча равишда 257 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиши мўлжалланган. Айни пайтда ана шу миқдорнинг деярли ярми тайёрланиб бўлинди.

Мусобақанинг самарали бўлишини таъминлашда, биринчи навбатда ташкилотчилик, ташаббускорлик катта роль ўйнамоқда. Бизда ана шундай ташаббускорлар талайгина. Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажаришга эришаётган А. Мирзақулов, Т. Алтухов, Т. Алиев, В. Кутилин, А. Ким, Ю. Гусев сингари коммунистлар бугунги кунда мусобақа байроқдорлари сифатида ном қозонишган. Бу илғорларнинг ҳар бири ўхшаш касбларни бемалол бажариб, кўпстанокчилик ҳаракатида ҳам пешқадамлик қилишмоқда. Улар республика юбилейини беш йиллик план-топшириқларини бажариш билан кутиб олишга бел боғлашган. Менинг ўзим эса қутлуғ аймни саккиз йиллик топшириқни уддалаш билан пешвоз олишга сўз берганман. Айни пайтда 1987 йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот топшириямман. Ютуқларимиз жамият тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилса қувончимиз ҳам шундадир.

Т. ИГУМНОВ,
«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводи силлиқловчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

• ЭРТАГА—ХИМИКЛАР КУНИ

Мўъжизалар яратилади

● ХИМИЯ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ ХИЗМАТИДА. ● САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР. ● ХИМИКЛАР МАСКАНИ.

Химия мўъжизалар ўлкаси, унда инсон толеи яширинган бўлиб, ақл-идрокнинг буюк ютуқларига шу ўлкада эришилади, деб башорат қилган эди буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький. Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб химия ютуқларидан фойдаланилмаётган саноатнинг бирорта соҳасини топиш қийин. Химия врачга ҳам, деҳқонга ҳам, чорвадору космонавтга ҳам мададкор бўлмоқда. Бу ўринда совет космонавт учувчиси Ю. А. Гагаринннинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринли бўлур эди: «Биз космонавтлар, касбимизнинг хусусиятига кўра бошқаларга қараганда, химиянинг барча мўъжизаларига кўпроқ дуч келамиз. Ракеталаримизни тайёрлашда ишлатилган қотишма ва металлар, уларни ҳаракатга келтирувчи ёқилғилар, скафандрлар, инсонни космосга элтувчи йўлда учраган минглаб катта ва кичик парчалар ҳаммаси химия маҳсулотларидир».

Иттифоқимиз а г и беш юздан ортиқ химия корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган 40 минг хилдан ортиқ маҳсулотлар химия мўъжизалари туфайли олинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май (1983 йил) Пленуми тасдиқлаган Озиқ-овқат программаси қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларини мустаҳкам жипслаштиришга бағишланган. Ҳозирги кунда иттифоқимизда таркибида 38,4 процентгача ўсимликлар ўзлаштира оладиган бирикмалар бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда. Иттифоқимизда етиштирилаётган донннг бешдан бир қисми, пахтанинг учдан бир қисми, қанд лавлагининг саккиздан бир қисми, картошка ва сабзавотларнинг ўндан бир қисми минерал ўғитлар туфайли олинмоқда.

Асримизнинг бошида биргина химия лабораториясига эга бўлган республикамиз жонажон Коммунистик партиямизнинг ғамхўрлиги туфайли ҳозирги кунда бир неча институтлар ва ўнлаб химия лабораторияларига эга. Республикамиз химиклари—СССР Фанлар академиясининг академиги Ё. Содиқов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, академик С. Юнусов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари К. Аҳмедов, М. Набиевлар бошчилигида яратилаётган турли хил дори-дармонлар, оқсил, сувда эрувчи полимерлар, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, нафис толаларнинг янги-янги турлари халқимиз дастурхонини тўкин, меҳнатини енгиллаштиришда ва Ватанимиз қудратини оширмоқда.

Тошкент, Навоий, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидаги азот ишлаб чиқариш бирлашмалари, азотли ўғитлар, суперфосфат, химия ва ёғ-мой комбинатлари республикамизнн и н г фахри ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикамиздаги «Ўзбитхимпласт» бирлашмаси кўплаб химиявий конг истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.

Республикамизда химия фани ва саноатининг бунчалик тез суръатлар билан ўсишини малакали инженер-химикларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Иттифоқимиздаги энг йирик олий ўқув юртларидан бири бўлган «Халқлар дўстлиги» орденли Тошкент политехника институти химия-технология факультети ҳар йили халқ хўжалиги учун 400 дан ортиқ малакали инженер-технолог бермоқда. Ҳозирги вақтда олимлари томонидан йилига 500 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара олиб келинган ишлаб чиқаришга жорий қилинган ишланмаларнинг аксарияти шартномасига асосан олимлар ўз ишлаб чиқаришларини ҳамда республикамиз ва республикамиздаги йирик илмий текширув институтлари, корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг ҳамкорлиги билан узвий алоқада олиб борилмоқда. Республикада кўрсатган фан ривожига академик К. Аҳмедов номидаги мактабининг олимлари томонидан борилган ишлар натижасида эрувчи полимерлар, янги турларини яратиш ва ўзларидан хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишга қаратилган.

Маълумки, республикамиз иттифоқининг асосий пахта базаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбекистонда фермер-ўқитувчи коллективи методик ишлар олиб бориш, ёш авлодни коммунистик тарбиялаш тарбиялаш мақсадида фахтадан юқори ҳосил олишга қаратилган ишларни ташкил қилиш ва ўтказишга киришилмоқда.

А. ИСМОИЛОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати, доцент.

• Фан ва техника изланишлари, кашфиётлар

Квартазин

Ленинградлик химиклар ва уларнинг Белоруссия Фанлар академияси экспериментал ботаника институтидаги ҳамкасблари ўсимлик ўсишининг регуляторн бўлмиш квартазинни яратдилар.

— Ўғитдан фойдаланиш практикаси ўсимлик қулай шароитларда кўпинча одамга нафли йўналишда ривожланмаслигини кўрсатди, — дейди биология фанлари доктори В. Деева.— Масалан, картошканинг пояси калта бўлади, ҳосили эса анча картошка тугишининг тайини бўлмайди, люпин ғоятда ғовлайди, лекин ортиқча дон бермайди. Квартазин ана шу номувофиқликни йўқотади.

Бу модда тирик ҳужайрага киргач, биохимик реакцияни шундай ўзгартирадики, палакни, илдизни, мевани ҳам бир текис таъминлаб турган ўсимлик мева сари борадиган магистралларда модда оқимини ғоятда кўпайтириб боради. Натижада картошканинг пояси калта бўлади, ҳосили эса анча ортади. Янги регулятор Минск ва Гомель кимёластларининг лабораторияларида етти йил мобайнида синаб кўрилган. Ҳосил муттасил 15—400 процентдан ошиб борган.

Квартазин ўсимлик касалликка бардошлилигини ҳам оширади. У қурғоқчилик ҳам қилади. Бу модда, айниқса, дорилар ўрнини тамомила боса олмаса-да, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам ишлатишга имкон беради. У одамга зарарсиз. Тадқиқотчилар ўсимлик регуляторн қўлланган ўнгача ҳосилни ҳам ишлаб чиқарувчи кафе хўжаликларига топширадилар. «Тюльпан» номи соябонли стоячая ёрлаш технологияси (ТАСС).



Пойтахтимиздаги сунъий ювиш воситалари заводи коллектив ишлар кунининг меҳнатда катта кўрсаткичлар билан кутиб олди. Юбилей лида ушбу корхона аҳолига етти номдаги 21 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беради.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) смена инженер-химиги Виктория Попова ҳамда технологин жиҳозлар бўйича слесарь Тўлаган Тошмуҳамедова иш жараёнида.

В. Сиротнин фотоси.

• ҚОЛОҚЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Шаҳар индустрияси ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, 27 апрелда муҳим халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича давлат планини бажардилар. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 процентни ташкил этди.

Натижада январь-апрель ойларида саноат маҳсулотн реализация қилиш бўйича план 1,7 процент ортиғи билан адо этилди. Мамлакат ва республика халқ хўжалиги қўшимча 20.642 минг сўмлик буюмлар олди.

Шу билан бирга шаҳар саноатининг тўққиз корхонаси маҳсулот реализациясн ҳажмн бўйнча тўрт ойлик топшириқни уддалай олмадн. Улар қаторида Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва подшипник ремонти заводи бор. План-топшириқни бажарилмаганлигининг сабаби нимада! Бу корхоналарда қолоқликни бартараф этиш учун нималар қилинаяпти!

Сўз—Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. МАЖИДОВГА:

— Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 1984 йилнинг тўрт ойи мобайнида товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмн бўйнча планни 910 минг сўмликка, мебель ишлаб чиқариш бўйнча 1011 минг сўмликка, реализация бўйнча 522 минг сўмликка бажаролмади.

Кўрсаткичлар бўйнча планнинг бажарилмаслигига сабаб корхонани материаллар билан таъминлашда узилишлар рўй берганлигида, асосий хом ашё материаллар — ёғоч плиталар ва материалларлан шу йилнинг биринчи кварталида, шунингдек апрелида етарли етказиб берилмаганлигидадир.

1984 йилнинг тўрт ойи мобайнида давлат планининг бажарилишини таъминлаш учун 6296 кубометр қиринднан тайёрланган плиталар, 2096 кубометр ёғоч материаллар, шу жумладан, апрель ойида 1574 кубометр қиринднан тайёрланган плиталар, 524 кубометр ёғоч материаллар бўлиши керак эди.

Бироқ, бирлашма тўрт ой мобайнида 774 кубометр плита, 1.360 кубометр ёғоч материаллар олди. Бундан ташқари сўнгги ойлар мобайнида корхона мебель ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлган 350 кубометр кондицияга мос келмаган плиталар олди.

Хом ашё таъминотидаги бу аҳвол бирлашма фаолиятига таъсир этмай қолмади, албатта. Биринчи квартал мобайнида бирлашмада давлат планининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган мебеллар ассортименти ўзгартирилди ва материал сарфи камроқ бўлган буюмлар ишлаб чиқарилди. Ассортимент бўйнча планлар бажарилмаганлигининг сабаби мана шунда.

Юзага келган аҳвол оқибатида мебель ишлаб чиқаришида иш бир маромда бормади. Шу йили биринчи апрелга қадар бирлашмада бор-йўғи 40 кубометр ёғоч ва қиринднан тайёрланган плиталар бор эди. Материаллар ортилган дастлабки вагонлар фақат 4 апрелда етиб келди. Яна бир гап. 1055 кубометр плитадан 310 кубометри (қарийб учдан бири) ой охирида — 28—29 апрелда олинди.

Қабул қилинган тадбирларга (цехларда уч сменали иш йўлга қўйилганлигига) қарамай апрель ойида товар маҳсулоти ва мебель ишлаб чиқариш бўйнча план бажарилмади.

Бирлашма маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳозирги пайтда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кўришяпти. Йўл қўйилган қолоқликни тезроқ бартараф этиш учун тадбирлар белгиланди. Бунда товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ҳисобга олинган.

БИЗНИНГ ШАРҲ: корхона раҳбарлари план бажарилмаганлиги сабабли изоҳлаётганларида моддий-техника таъминоти ёмонлигини дастак қилиб олишаяпти. Айниқса, ёғоч материаллар, плиталар сингари мебель тайёрлашда зарур бўладиган асосий материалларни етказиб беришда узилишлар рўй бераётганлигига эътиборни қаратишяпти. Таъминотчилар ёмон ишлаётганлиги ҳақидаги шикоятлар ўринли.

Тюмендаги «Тура» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси шартномада кўзда тутилган 740 кубометр ўрнига апрелда 270 кубометр ёғоч плиталар етказиб берди.

Бундай шароитда бирлашманинг ҳамда республика Мебель ва ёғочни қайта ишлаш министрлигининг таъминот хизматлари зўр бериб ҳаракат қилишларн ва корхонани зарур материаллар билан таъминлашлари лозим эди. Бироқ бундай бўлмади. Уйлаймизки, бу мураккаб шароитда Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасига республика Госснабн яхши ёрдам кўрсатиши лозим эди. Лекин бу ерда ҳам масала ҳал этилмади, апрель—май ойларида Главка корхонага планлаштирилганнинг 50 процентдан кўпроғи миқдоридаги плитани етказиб бермади.

Шу билан бирга ўртоқ А. Мажидовнинг жавобида ички нуқсонлар ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Бу нуқсонлар корхона фаолияти натижаларига таъсир этмай қолмайди. Бу ерда гап маҳсулот сифатн ҳақида боряпти. Ўтган йили (дастлабки тўрт ойда) мебелчилар 37 процент маҳсулотнн беш қиррали белги билан ишлаб чиқаришганди. Шу йилнинг январь-апрелида эса Сифат белгиси билан тайёрланган маҳсулот 28,7 процентни ташкил этди. Қарийб 1 миллион сўмлик маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмади. Нега корхонада бирлашма маркаси шарафи учун кураш сусайиб кетди!

Бу ердаги меҳнат ва технология интизомининг аҳволи ҳам ҳалн анча яхшиланишни тақозо этади.

Раҳбарнинг жавобига, шунингдек корхона ҳақидаги маълумотларга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, маҳсулот сифатн ҳақида ғамхўрлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ҳар бир аъзосининг жонажон ишига айланмаган. Бунда мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноатн министрлиги қандай позицияни эгаллаши ҳам муҳим масаладир.

Бугунги кунда қоғозда эмас, балки амалда ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишлашнн таъминлайдиган, эталонга ва ГОСТ талабларига тўла мувофиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга белгиланган муддатда ва ассортиментда, мебеллар ортиб жўнатишни таъминлайдиган комплекс тадбирларнинг амалга оширилнши ҳақида қайғуриш лозим.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

ҲАММА УЧУН ҚУЛАЙ

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкентдаги савдо ускуналари заводида пўлат, ойна, пластикадан «Южний» йиғма магазин-павильонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай магазинларни бир ҳафтада йиғиш мумкин.

Завод бундай павильонларни саноат, озиқ-овқат молларини, сабзавот, меваларни сотиш учун ёки ошхоналар, кафелар ташкил этиш учун, қишлоқ савдо ташкилотларининг бўлимларн, шунингдек, ҳаммага ҳам ҳалол хизмат қилиш учун ишлаб чиқармоқда. Шунга мувофиқ, корхона уларни зарур асбоб-ускуналар билан комплектлайди.

Бу йил қишлоқ маълубот кооперацияси 90 та ана шундай магазин олади. Ҳозир бундай магазинлар Наманган, Бухоро ва Навоий областларининг зилзладан зарар кўрган районларига тарқатилган ҳолда етказиб берилмоқда. Бундай савдо точкалари посёлкаларда ташкил қилинмоқда.


Завод музайянч, боб, шарбат, ичимликлар сотиш бир сотувчига мўлланган ҳамда ишлаб чиқарувчи кафе хўжаликларига топширадилар. Тюльпан» номи соябонли стоячая ёрлаш технологияси (ТАСС).

Тинчлик ва бирдамлик экрани

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ ХАЛҚЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ — Тошкент-84

• СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ДЎСТЛИК ЭЛЧИЛАРИ



Васанти САТХЕ,
киносценарист, Ҳиндистон.

— Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлик алоқалари тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Мен бу дўстликни ғоят қадрлайман. Аввалги кинофестивалда истеъдодли ўзбек киноартистлари Шуҳрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний» бадиий фильмини кўрганимда бир хилдаги тассурот олган эдим. Ўша фильмдаги воқеалар менинг тасаввуримда худди Ҳиндистонда ҳам бўлиб ўтгандек бўлиб туюлади. Чунки ўтган асрларда ҳам икки халқнинг яхши ҳаёт учун интилишлари муштарак эканлигига эга бўлган. Ўзбек томошабинлари менинг ижодий ҳамкорлигимда яратилган «Дайди», «Жаноб — 420», «Бобби» каби картиналаримни жуда яхши биладилар. Бу фильмлар ҳинд томошабинлари томонидан ҳам жуда яхши кутиб олинган эди. Биз ўзимизнинг ана шундай инсоний меҳр-муҳаббат ва дўстлик, халқнинг орзу-умидлари тасвирланган фильмларимизни фахр-ифтихор билан Тошкент фестивалларига тавсия этамиз. Чунки Тошкент Халқаро киноанжуманлари уч қитъа киносанъати тараққиётида муҳим омил бўлмоқда. Ҳинд киносининг Шьям Бенигал, Мринал Сен, Раж Капур каби машҳур ижодкорлари ҳам Халқаро Тошкент фестивалларини янги ижодий ютуқларини эгаллашда катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини кўп бор таъкидлашган. Мен фестиваль қатнашчиларига, дўстлик элчиларига бўлган фильмларимизнинг ихлосманд томошабинларига ишда ва ижодда катта ютуқлар тилайман.

ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИДА— ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ

Ўзбек томошабинлари ҳинд экран усталари ижодидан фильмларини доимо завқланиб томоша қиладилар. Ҳинд киноактёрлари VIII Халқаро Тошкент фестивалига ҳам катта программа ва кўпгина кинодокументал, режиссёр ва продюсерлар билан бирга келдилар. Фестиваль экранига тавсия этилган 30 га яқин фильмларда Ҳиндистон кино санъатининг бугунги кундаги услубий йўналишлари, ижодий мактаблари, етакчи тенденциялари тўғрисида кенг-кўлам тасаввур олиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, фестиваль экранида намойиш этиладиган ҳинд кино санъатида етакчи тенденцияларига айланиб бораётганини яққол ҳис этиш мумкин. Масалан, Гобинд Нихолони режиссерлигида яратилган «Ярим ҳақиқат» номли замонавий фильмда бугунги кунда ҳинд жамиятидаги айрим иллатлар, порахўрлик фош этилади. «Денгизга қуйиладиган дарёлар» бадиий фильмида эса раққоса тақдири, унинг халқ классик рақсларини анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари тасвирланган. Саллиги туфайли рақс тушишдан маҳрум бўлиб қолса-да раққоса бутун умрини ёш раққосалар тарбиялашга, халқ рақсларини оммалаштиришга бағишлайди. Фильм авторлари ҳар бир халқ санъатини рамзий равишда ўзига хос дарёларга қиёслайди. Бу дарёлар бир-бирига қўшилиб улкан денгизни, умумбашарий ва умуминсоний катта санъатни вужудга келтиради деган фикр илгари сурилади.

Ҳинд экрани усталарининг шу кунларда фестиваль экранида намойиш этилаётган «Банкир Маргайя», «Тақдир» ва бошқа фильмларида ҳам севги-садоқат, инсонийлик ва дўстликнинг қудрати теран психологик таҳлил, ўзига хос ғоявий-бадиий савияда тасвирланади. Пойтахтнинг «Искра» кинотеатрида эса Тошкент фестивалларининг тарихида биринчи марта машҳур экран усталари яратган фильмларнинг ретроспектив намойиши ўтказилмоқда. Унда у ёки бу киностудия ҳамда режиссёрларнинг турли йилларда яратилган кўпгина картиналари бир йўла томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Ҳинд киноси мухлислари бу кинотеатрда машҳур режиссёр Мринал Сен ижодига мансуб қатор картиналарни томоша қилишлари мумкин. Ўйлайманки, янги ҳинд фильмлари билан томошабинларнинг бу галги учрашувлари ҳам янада қизиқарли бўлади.

* * *



СУРАТДА: қатор ҳинд фильмларида ажойиб роллар ижро этган машҳур Бангладеш актрисаси Бабитта Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларини даврасида.

Т. Каримов фотоси.

ШУНАҚА ДЕМАЙСИЗМИ?

ҲАЖВИЯ

Тошкентда навбатдаги кинофестиваль кўриш бошланган кунлар эди. Уч-тўрт кун аввал кўп таниш дўстим Шоҳид-югуриб ҳинд фильмларидан бирига икки та билетни аранг тўғрилаб берди. Бу кунни интиқ хотинжон билан бирга интиқий кута бошладим, лекин...

Ахсига олиб денг, кечқурди ўша кунга кодировка ўқи остини ёпиб чиқиб қолса бўладиган. «Шу сафар бормасам борасиз, бироз ишлаб қўяй, ўзингиз бўлмасангизда бўлмайди», дея юпатган бўлсам-да, бормадим мен рўйхатга олинган важ-карсакларимни рад қилардим.

Хаёлим хонимга кетди: «Ана ҳинд фильми деб, аза-базза бир гап қилиб қолмасин-да, эҳ...» Уйга келиб бир гапни унга тегдим.

— Нима ҳам қиларсан, сиз бориб келаверинг, кейинги сафар борармиз, — деди хотиним. Кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Хотинимдан зап ёлғиганман-да.

— Билетни нима қилдинг унда?!

— Вой, шуниям сўраб ўтирасизми, ана, кўшнимиз Ҳафиз акага таклиф қилиб қўйинг, жон деб юборишди.

Дарров чиқиб, қўшнимизнинг қўнғироғини босдим. Бир оздан кейин Фарҳод аканинг ўзи эшикни очди. Сўрашиб, муддаога кўчдим.

— Ҳмм... Иложингиз йўқми?.. Сиз шунчалик бандсиз, менинг ишларим кам, мен бораман, қўшнингиз бўш, бекор юради, шундайми. Йўқ, бўлмайди, кечирасиз, бошқа қўшнини топинг! Фарҳод ака жуда қизишиб кетди. —Қолаверса яхши кино бўлса билетни бермас эдингиз, ҳа.

— Билетни бир ҳафта илгари олиб қўйган эдим, ажойиб фильм деяпман-ку. Ҳа, майли, нима ҳам қиларди, ўзингиз биласиз. Ҳар ҳолда билет куйиб қолмасин деган эдим.

Мен кета бошладим.

—Тўхтанг, тўхтанг... билетни ўз нархига олмагандирсиз, ҳали?

— Эҳ, уят эмасми, қўшни, ахир билет куйиб қолмасин деб яхши кино бўлгани учун. мен уни текинга таклиф қиляпман.

Қўшним шу заҳотиёқ билетларни қўлимдан юлиб олди.

— Олдинроқ шунақа демайсизми қўшнижон, — у тишининг оқини кўрсатиб илжайди. — Эҳ, қўшнижон, қўшнижон, ахир «ажойиб фильм» демайсизми?!

Талъат АБДУЛЛАЕВ.

Шу йил 31 январь куни Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси табиатнинг нодир бир ҳодисаси —катта метеорит тушганлигининг гувоҳи бўлди. Тошкент вақти билан тахминан соат 23 дан 56 минут ўтганда осмондан ёрқин олов шар учиб ўтди. У уфққа яқинлашгач, бир неча бўлакка ажради ва шу бўлаклар ерга тушди.

Ҳозир СССР Фанлар академияси метеоритлар комитетининг илмий ходимлари конюнот «элчисини» зўр бериб қидирмоқдалар.

— Ҳар йили планетамизнинг юзига икки мингтага яқин метеорит тушсада, шулардан атиги бир нечтасигина олимлар қўлига келиб етади,— деди комитет ходими Р. Хотинок. — Таассуфки, уларнинг қарийб ҳаммаси денгиз ва океанларда, чўл ва тоғларда йўқолиб кетади. Холбуки метеоритлар илм-фан учун ғоят қимматлидир. Чунки у қуёш системасининг энг қадимги моддаси бўлиб, уни ўрганиш шу система эволюциясини тушуниб етишга ёрдам беради.

Одатда «учар юлдуз» тушганлигини кўнгилли ёрдамчиларимиз астрономия ҳаваскорларининг хабарлари туфайли тасодифан билиб қоламиз. Лекин бундай хабарлар оз бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди, — ҳозирча ўз кўзи билан кўрган кишининг биргина тафсилий баёнига эгамиз. Урганчлик Р. Каримов шуни айтди. У метеоритни жанубий-шарқий томонда кўрган. Чунончи болид шимол сари ҳаракат қилган. Биз метеорит Ўзбекистон территориясига, аниқроқ қилиб айтсак Бухоро областига тушган деб бемалол тахмин қилаоламиз. Аммо у Самарқанд, Газли, Навоий, Зарафшон Қарши, Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар ва посёлкалар районларида ҳам кўзга яққол кўриниб турган.

Ходимлар метеоритни излашда ёрдам берадиган ҳар бир кишидан миннатдор бўладилар. Комитетнинг адреси: Москва, 117313, СССР Фанлар академиясининг метеоритлар комитети.

(ТАСС).

Шанба оқшоми



СОФДИЛЛИК ВА ОДИЛЛИК ҲАҚИДА

● Софдил одамнинг кўзларида ҳаёт чироғи порлаб туради.

● Одиллик чашмаси тоза оби-замзами билан одамлар руҳига қувват, дилига роҳат беради.

● Софдил раҳбар — ҳаммага падар.

● Яхшилар топиб, ёмонлар қопиб гапирадилар.

Масал: Тил Дилга илтижо қилди:

— Эй, Дил, яхши нарсаларни ўйла, мен ҳам ширин сўз, яхши ният айтиб яйрай.

— Ёмон сўз айтсанг нима бўлди?

— Пушаймонлиқ топдим, тиш мени тишлаб жазолади.

Мақол: Яхши сўзга учар қушлар эл бўлур.

● Ҳалоллик бор жойда барака бор.

● Яхшининг сўзи — гул.

Ҳикоят: Маҳалламизда Икром тоға деган бир хокисор кекса бор. Рустаму-Достондек уч ўғли, икки қизи Икромжонни аллада азиз тутишади. Ўзи яхшигина пенсия олади. Лекин уйда оёқ узатиб, роҳат-фароғатда ётмайди: боғчасига дарахтлар ўтқазади, токларни парваришлайди, гуллар экади, кўчадаги ариқларни тозалайди. Ҳовуз ва ариқ бўйларидаги сариқ толларни, теракларни, хиёбондаги арчаю-чинорларни Икром тоға ўтқазган. Унга одамлар ҳавас билан, ихлос билан қарашади.

— Гул қўлингиз дард кўрмасин, — дейишади яхши ният билдириб.

Икром тоға кўзлари яшнаб, жилмайиб қўяди:

— Одамдан боғ қолади, — дейди у ўз ишидан қувониб. — Дов-дарахтлар яшнаса олам обод, одам шод яшайди.

Куни-кеча Икром тоға бир нарсадан хафа бўлибди. Кенжа ўғли Ботиржон дадасининг кўчадаги ариқ бўйида терлаб-пишиб толларга шакл бераётганини кўриб, уришибди:

— Адажон, намунча ўзингизни уринтириб ғимирлайверасиз, уйда дам олиб ётсангиз бўлмайдими?

— Бўлмайди! — дебди зарда билан Икром тоға, — мен тошманмики ғимирламай уйда ётаман... Е сенга бирор зиёним тегяптими?

Дадасининг зардаси қайнаганидан Ботиржон мум тишлаб қолибди.

Бу отахон маҳалладаги тўй-ҳашамларда, маъракаларда бош-қош бўлади. Чоллар билан йиғилишганда битта-яримта қария «фалончи ўндоқ, тугунчи бундоқ» деб фисқи-фужур қилса, пешонаси тиришади:

— Қўйинг, шунақа гапларни, майда гап бўлмайлик, — дейди.

Икром тоғанинг дили тоза, фикри-зикри тиниқ, забони ширинлигидан ҳамма севади, ардоқлайди. «Маҳалламизда шунақа нуроний отахонамиз бор» деб фахрланишади.

● Яхши ният билан ғунчани парвариш этган одам хушбўй гул ҳидлайди.

Байт:

Ҳаёт чироғининг ёғи — меҳнатдир,
Меҳнат ҳар софдил кишига зийнатдир.

● Бировнинг меҳнат ҳалоли ҳисобига яшайдиган одам асаларининг болини сўраётган пашшага ўхшайди.

● Заҳарли ўсимликка жонивор қўнмаганидек, адолатсиз одамга ҳеч ким меҳр қўймайди.

● Кимки дилқоралик қилиб бировнинг хасмини еса, ўз насибасидан айрилади.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.

БУ—ҚИЗИҚ

БИР КЎЛ НОМИ

Америкада яшовчи ҳиндулар бир кўлга жуда ажойиб ном қўйишган. Уни ўзбек тилига таржима қилинадиган бўлса, қуйидагича узун гап келиб чиқади: «Мен балиқни бу қирғоқда овлаяпман, сен у қирғоқда овлаяпсан, ўртада эса ҳеч ким балиқ овламаяпти».

АЖОЙИБ ТАБЛЕТКА

Поляк химиклари «Фемагал» деган ажойиб препарат яратишди. Унинг бир таблеткаси ифлос сувни ярим соат ичида зарарсизлантириб, ичса бўладиган ҳолга келтиради. Таблетка лойқа сувни тиндиради, темир, марганец моддаларидан ҳоли қилади, кислотани нейтраллайди, сувни юмшоқ қилади.

УҒРИЛАРНИ ТЎТИ АЙТИБ БЕРДИ

Америкалик М. Эдисон хонадонига ўғри тушиб, шип-шийдон қилиб кетган эди. Уй соҳиби буни кўриб ҳайрон бўлиб турганида, қафасдаги тўтиси «Бу ёққа кел, Роберт!» «Мана буни қара, Ронни!» дея гапириб қолди. Роберт ва Ронни деган ўғрилар ушланиб, бармоқ излари солиштирилса, тўтининг гапи тўғри бўлиб чиқди.

Уйда ҳеч ким йўқлиги учун ўғрилар ўзаро бемалол сўзлашиб «иш қилишгани» учун, тўти уларнинг гапини ёдлаб олган экан.

ТУРКМАН БАЛЬЗАМИ

Ашхабоддаги «Туркманвино» бирлашмасининг бир цехида «Туркман бальзами» номи билан шифобахш ичимлик ишлаб чиқарила бошланди. Бу ичимлик чой ва кофега қўшиб ичилади. У Копетдоғ воҳасида ўсувчи шифобахш гиёҳлар, ўсимлик илдизларидан тайёрланади.

«Туркман бальзами» Болгарияда ўтказилган ичимликлар халқаро конкурсида юқори баҳо олиб, олтин медаль билан тақдирланди.

С. ҒАФУРОВ
тайёрлаган.



«Миконд» заводида буюмларга сайқал беришнинг янги ҳимоявий жараёни ўзлаштирилди. Бу биллур буюмлар сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Ҳозир корхонада 50 хилга яқин халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Йил охирига қадар биллур ва рангли шишадан яна етти хил буюмни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

СУРАТЛАРДА: корхона юқори малакали устаси Глеб Дивинский; Хўжа Насриддин ҳақидаги ҳикоялар мавзуидаги композиция; «Ҳива» комплекти.

УзТАГ фотолари.





Дам олиш соатида КРОССВОРД


Бўйига: 1. Бирор нарса юзасига туширилган тўртбурчак. 2. Қизил Армия қуролларидан бири. 3. Узук. 4. Совет ёзувчиси. 5. Турбина, динамомашинанинг айланадиган қисми. 6. Онги, тушунчаси паст шахс;

Энига: 7. Россиядаги халқ. 8. Кишини ажаблантирадиган, ҳайратда қолдирадиган ҳолат. 9. Матоларга илма игна билан гул тикадиган машина. 10. Дарахт танасида ҳосил бўлган бўшлиқ. 11. Ёш жиҳатдан паст. 12. Палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли полиз ўсимлиги.

Демак, кроссвордни тўғри ечолган бўлсангиз, сўзларини ҳар икки томондан (чапдан-ўнга, ўнгдан-чапга) ўқилганда ҳам бир хил маъно англатади.

Қуйидаги номерлардаги сўзларни йиғиб сўз тузинг ва ҳар икки томондан тез ўқиб, тез қайтаринг. 11—10—8—12:

Тузувчи: Анвар МИРЗАЕВ.



19 МАЙДАГИ КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ромеш Чандра. 2. Тунис. 3. Газли. 4. Курант. 5. Қайин.

«Тинчлик қудрати урушни енгар, Зероки, олам шуни истайди».

ЛОҲУТИЙ.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга З. Одилова, Э. Эргашев, С. Коров, А. Аюбов, М. Тожиева, Ш. Суннатхўжаев, О. Маҳсумов, Ф. Исмоилова, Д. Шокиров ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТАБИАТ ЯРАТГАН ПОРТРЕТ

Тошкентлик ҳайкалтарош К. Искалиев ва ... табиат Карл Марксинг ноёб портретини яратдилар. Санъаткор мармар плиталарнинг бирида портрет тархини кўриб қолди. Тиллойи пушти фонда таниш профил нозик қалам билан чизилгандек эди. Ҳайкалтарош табиат яратган расмга бир-икки чизиқлар қўшди холос. Портрет шу тахлитда вужудга келди.

(ЎзТАГ).

МЕТЕОРИТ ҚАЕРГА ТУШДИ ЭКАН?



Клуб Советининг раиси гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ

ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР

Қадим замонда мўғул элида икки шахматчи чол ўтган экан. Кунлардан бирида уларнинг бири иккинчисига бор мол-мулкини бой бериб қўйибди. Ўша чол ютқазганларини қайтариб олиш ниятида бу гал ўз жонини тикибди. Яна бахти чопмабди:

Мана ўша вазият:



Утовда ўйинни кузатиб турган чолнинг фаросатли келини оғир аҳволдан қутқлиш йўлини топибди-ю, бироқ очиқ айта олмабди. Гапни айлантириб, сўнг дебди: «Ота, бу йил баҳор оғир келди. Болаларимнинг икkаласи ҳам катта бўлиб қолишди. Очликдан қутқлиш учун аравалярни (руҳларни) синдириб ўйин қилсак, болаларни иккита саватчага солиб, туянинг икки бикинига ортсак-да (болалар—пиёдалар), тоғларга чиқиб кетсак», дебди. Чол келинни топган йўлни дарҳол фаҳмлаб, мол-мулкини қайтариб олибди.

Қани дўстлар, ўша комбинацияни ўзингиз топиб кўринг-чи, юриш оқлардан.

* * *

Москвалик шахматчи В. Комиссарова ҳаётида ғалати бир воқеа юз берган экан. Уруш йиллари у армияда хизмат қилган. Бир куни унинг олдига шахматни севадиган бир капитан келибди. Ўйин бошланибди. Тез орада Комиссарованинг ҳарифи бир сипохини «қуртдай» келиб ютиб олибди, лекин аёл шахматчи ихтиёрида юришни такрорлаш имкони тугилиб қолибди.

— Дурангми! — сўради Комиссарова позицияни учинчи бор такрорлаш олдидан (шахмат кодексида бундай ҳолларда дуранг қайд этилади).

— Бошқача юринг, — эътироз билдирибди капитан.

Аёл яна ўша юришни такрорлаб: «Дуранг!» — дебди.

Худди шу пайт эркаклик ғурури қайнаб кетган офицер: «Буюраман, эшитяпсизми, бошқача юринг!» деб хитоб қилибди. Комиссарова эса кулимсираб аста: «Шахматда «буюраман»га бало борми!!» — дебдида, яна аввалги юришни такрорлабди.

Бунга кўнмаган капитан ўзи «бошқача» юриш қилибди ва... ютқазибди.

КАЛТА ҚЎЛ— ЧИРОЙЛИ ЙЎЛ

Австралиялик гроссмейстер Шпильман ўзининг дадил ва ажабтовур комбинацияларини билан жаҳонга донг таратган шахматчилардандир. У ўрта бўйли, калта қўлли, бақалоқ киши бўлган. Шунинг учун сеанс пайтида агар стол энлироқ бўлса, баъзан шахмат тахтанинг ҳарифи томонидаги хоналарига қўли етмай қолар эди. Бир сафарги сеансда филини аш беш хонасида қурбон қилиб, ҳарифларидан бирини чиройли тарзда ютади. Бунн томоша қилиб турган бир ишқибоз сеансчига: «Ажойиб қурбон бердингиз, лекин бундан олдинроқ филингизни аш еттн хонасида қурбон қилишингиз ва аллақачон ютишингиз мумкин эди-ку» — дедн.

Шпильман совуққонлик билан: «Биламан, биламан дўстим, бироқ аш еттнга қўлим етмаса нима қилай!» — деб жавоб берди.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

Шанба оқшоми фельетони

НАФС БАНДАЛАРИ

ЁКИ ЛОФЧИЛАР СУҲБАТИДА АЁН БЎЛИБ ҚОЛГАН АНИҚ ФАКТЛАР ХУСУСИДА

—Яқинда Эшмат лофчинни учратиб қолдим,— дедн Йўлчи лофчи орзидаги носини туфуриб. —Боласи тушмагур, Тошкентда бир вагон помидорини вагон-пагони билан ютиб юбориб, бир азмн шаҳарда огзидан фонтан қилганича «сув» қилиб пуркабди-я!..

—Шу ҳам гап бўлдн-ю,—дедн Тўйчи лофчи Йўлчи лофчининг гапини шартта бўлиб.— Кечагинда тўйда эшитганларимни айтиб берсам, огзинг қулоғинггача очилиб, кўзларинг олайиб, сочларинг кирпиникидек ҳурпайиб кетади.

— Хўш, хўш,— Йўлчи лофчи қулайроқ ўтириб олиб Тўйчи лофчининг огзидан гап пойлай бошладн.

— Биласанми, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида Юрий Гордиенко деган кимса лаборатория мудири бўлиб ишларкан. Айтишларича, жуда афсунгар эмиш. Институтга тегишли 139570-номерли, нархи 338 сўмлик БК—1500 маркали кондицнонерни кўрдим демай, бир ҳамладаёқ ютиб юборибди.

— Е, тавба, ичи музлаб кетмабдими!

— Э, қаёқда, дейсан, аксинча иштаҳаси карнай бўлиб кетибди. Институтда унинг мушугини «пишт» дейдиган азамат топилмагач, давлатнинг кўл остидаги 150 минг сўмлик дан знёд асбоб-ускуналарнин бирин-кетин ютавернбди. Иштаҳам янада карнай чалсин деб, баҳоси 225 сўмлик УЭМИ—50—АС—50 маркали овоз кучайтиргич (колонка)ларни ҳам ютиб юбормбди. Шундан сўнг майда-чуйда нарсаларни менсимай, йирикроқ нарсаларни юта бошлабди. 132001-номерли электр пайвандлаш аппаратини ҳам кўрдим демай, аждаҳодек «симирибди». Лекин, томоғинн яхши мойламаган бўлса керак-да, жиғилдонига тиқилибди...

— Э, бунинг ҳали ҳолва,— дедн Йўлчи лофчи, чойдан бир ҳўплаб. — Тошкентдаги 1-автомобиль ремонти заводида Одил Тўхтаев деган комплектловчи бор. Афтидан қайсидир нгна ютувчи кўзбўямачига шогирд тушган бўлса керак. Нгна ҳам гапмн деб, «Узавтотрансснаб» базасидан олинган «ГАЗ—53» автомашинасининг 400 сўмлик гильзаларини нгга чизгандек кўрдим демай, ютиб юбораркан. Сўнг хилвattгохда, огзидан чиқарнб танниш-билншларнга мўмайгина пуларкан.

— Бе, шу ҳам лоф бўлдн-ю, энсаси қотди, Тўйчи лофчининг,—Тошкент темир йўлига қарашли почтамтда Алексей Колесников деган кўзбўямачи-сараловчи ишлайди. Ҳмм, нафс деганн шунда, жилов тутиб бўлмайди. Закруллаев деган ҳамшаҳримиз Красноярск ўлкасида йнгитлик бурчини ўтаётган ўғлига Узбекистоннинг қуруқ мевалярндан посилка жўнатаган. Лекин посилка қутн солдат йнгитнинг қўлига етиб бормайди. Унн Колесниковнинг қорнндан топишади. Текин майиз, туршак, қурт, ёнғоқ ва шунга ўхшаш мева-чевалярнинг таъмига мазак хўрак бўлиб қолган Колесниковнинг иштаҳаси сурнай эмас, карнайга айланади. Бирин-кетин посилкаларни ютаверади. Лекин бу ҳам томоғинн яхшн ҳўлламаганми, атлас кийимлнк лахтак солинган посилка томоғига тиқнлади-қўяди. Бу ҳам сафдан чиқади...

—Бунинг ҳеч гап эмас экан,— дедн Йўлчи лофчи яна носини бир бор туфуриб. — «Узпромвентиляция трестнинг ншга туширнш-созлаш бошқармаси прораби Борис Глязманнинг афсунгарлнги ҳаммадан ўтиб тушади. У оғирлнги 100 килограмм бўлган учбурчакли пўлат темирнинг бир нечтасини ютиб юборди. Шундан сўнг Глязманнинг ҳам иштаҳаси очилиб кетди. Бирин-кетин пўлат темирларни ютавериб, кажава бўлиб қолди...

Лофчиларнинг баҳсига шу ерда нуқта қўйдик. Аммо юқоридаги ташкилотларнинг раҳбарларига битта савол бермоқчимиз: давлат мулкига кўз олайтирган нопок ихзматчиларигизга нима дейсизлар!

Лофчиларнинг суҳбатини оққа кўчирувчилар: Куйбишев район халқ суди судьяси

Мирадҳам МИРЗУФАРОВ
ва Мурод ХАЛИЛОВ.

● «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ОЙНА СИНДИРГАН АЗИЗМИ?»

Газетанинг шу йил 18 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган шанба фельетонида 85-мактаб биноси ноитилмаслиги, чунончи дераза ойналари тез-тез синдирилиши баён этилган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев имзоси билан олинган жавобда хабар қилинишича, мақола 85-мактаб педагогика коллективида атрофлича муҳокама этилган. Танқид тўғри деб топилиб, мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, мактаб ёнидаги Нуриддин бобо мақбараси атрофлари қўримсиз аҳволга келтирилгани ҳам шу мақолада танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари К. С. Крюковнинг жавобида айтилишича, Бош бошқарма ходимлари ўша жойга бориб, Нуриддин бобо мақбараси архитектура ёдгорлигининг аҳволини кўриб чиқишди. Эндиликда ёдгорлик атрофлари тартибли ҳолга келтириб қўйилди. Оталиқ ташкилоти—85-мактаб ёдгорликни қўриқлашни ўз зиммасига олган. Мақбарани таъмирлаш ишлари 1985 йилга планлаштирилган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент беш оқшоми

26 МАЙ. 1984 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 28. V

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.00 «Асиф, Васиф, Агасиф». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
11.05 Гнесинлар номли Давлат музика-педагогика институти студентлари ва ўқитувчиларининг концерти.
11.35 «Ҳайвонот оламида».
12.35 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Чегарачилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Чегара — менинг тақдирим», «Иван Беляев номли», «Чегаранинг кунлари ва тунлари».
16.20 «Бил ва уддала». Илмий-ўқув кўрсатуви.
17.10 И. С. Бах. Олтинчи Бранденбург си бемоль мажор концерти. ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.30 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи».
18.30 Ашхобод шаҳар болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг чиқиши.
18.45 «Ишлар ва одамлар». Янги техникани яратиш ва меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий этиш тажрибаси ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Бугун—Чегарачилар куни». СССР Давлат Хавфсизлик комитети чегара қўшинлари штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант Ю. А. Нешумов сўзи.
20.15 Мультфильм.
20.25 «Умидвор бўл». Фильм-спектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Умидвор бўл». Фильм-спектаклнинг давоми.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Футбол шарҳи».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Парвоздан сўнг ўйлар». Илмий-оммабоп фильм.
9.55 «Автоҳаваскорлар, унутмангиз!» Илмий-оммабоп фильм.
10.10—10.40 «Рус тили».
11.00 «Чет эл тасвирий санъати». У. Хогарт.
12.00 «Фан ва турмуш».
12.30 «Ҳозирги замон прозасининг ёш қаҳрамони».
13.00 «Инсон ва одамлар». (Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида).
13.35 Ҳўжаликни юритиш мактаби. «Бригадирнинг обрў-эътибори».
14.05 Н. В. Гоголь. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.10 Людвиг ван Бетховен. 1-кўрсатув.
16.05 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Глеб». Ҳужжатли фильм.
19.05 Батутда сакраш бўйича халқаро мусобақалар.
19.35 С. Прокофьев. Скрипка ва оркестр ижроси учун биринчи концерт. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
20.00—20.30 «Мен — «Метеор-101». Телефильм.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.25 Чегарачилар кунига. «Советский воин». Тележурнал (рус.).
19.10 УзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ильич ҳузурига, доҳий ҳузурига». В. И. Ленин Марказий музейидан репортаж (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Камолот». Леонардо да Винчи.
20.15 «Пилла — бойлигимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Садо» вокал-чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Озодлик — нақадар ширин сўз». Бадиий фильм. 1-серия.
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Денов ажойиботлари», «Занданич сири». Ҳужжатли фильмлар («Узбектелефильм»).
18.55 Болалар учун фильм. «Диққат! Шаҳарда сеҳргар».
19.50 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 29. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Уфқ».
10.50 Ю. Шчербак. «Умидвор бўл». Фильм-спектакль.
12.45 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик—ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Қайнар булоқ ўлкаси қўшиқлари».
16.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?».
17.00 «Бахтли аёл ҳақида фильм». Ҳужжатли фильм.
17.10 «Буратино кўргазмаси».
17.40 «Жўшқин илҳом саҳифалари». М. И. Глинка ижоди ҳақида фильм-концерт.
18.45 В. И. Ленин Марказий музейининг 60 йиллигига.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Мен қўшиққа борлиғимни бахш этдим». Фильм-концерт премьераси.
20.25 «Нима? Қаерда? Қачон?»
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. ГДР—СССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Зудлик билан фикрдошлар керак». Ҳужжатли фильм.
9.55—10.10 «Барча жонли мавжудотлар». Илмий-оммабоп фильм.
11.35 В. Маяковский. «Жуда соз» Поэма.
12.35 «Шахмат мактаби».
13.10 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида.
13.50—14.35 «Билимимиз — қудратимиз».
15.10 Людвиг ван Бетховен. 2-кўрсатув.
16.10 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Боғлар яшнасин». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00—20.30 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР — Япония терма командалари.
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Етти сериялн телевизион бадиий фильм премьераси (Ирландия). 1- ва 2-серилар.
23.40 Камондан ўқ отиш бўйича «Баҳор камалаклари» халқаро мусобақалари.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Жаҳон адабиёти дурдоналари». А. Навоий. «Ҳайратул-Аброр».
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театри балет солистларининг концерти.
21.15 «Мўъжиза-пиёла». Ҳужжатли фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Агросаноат комплекси: тажриба ва муаммолар».
22.25 «Озодлик — нақадар ширин сўз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —16.15 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Қизиқувчилар экрани».
19.00 Уқув программаси (рус.).
19.30 «Самарадорлик, сифат, тежамкорлик».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 30. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 Ш. Амиров чалади (балалайка).
10.35 Илмий-оммабоп фильмлар: «Инженерлар керак», «Ҳосил қанча туради?»
11.10 «Ўсмирлар ижоди».
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Болгар электроникаси» (БХР), «Таннишинг, Кведлингбург» (ГДР), «Яшаш учун жой» (ЧССР), «Ҳар баҳор учун» (РСР).
16.05 Бошқирдистон бадиий коллективларининг концерти.
16.40 «Пушкин шеърияти оламида». 1-кўрсатув.
17.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Европа чемпионатида. Футбол шарҳи.
19.45 Мультфильм.
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. К. Симоновнинг шу номли романи асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Спорт ҳафталиги».
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 Санъат усталарининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Ҳовли тўйи хайрли бўлсин», «Псел дарёсидаги шаҳар».
10.00 «Хайрли соатда». Бадиий фильм.
11.35 «Будильник».
12.05—12.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 Болалар учун фильм. «Чўкиб кетган шаҳарни изловчилар».
14.15 «Инсон. Ер. Коинот».
15.00 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 —20.30 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. ЧССР—Испания терма командалари. 2-тайм.
20.45 Халқ куйлари.
21.00 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3- ва 4-серилар.
23.45 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР —ХХР терма командалари.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Кўҳна, навқирон шаҳар». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
10.50 «Шимоллик келин». Телевизион бадиий фильм (рус.).
12.05 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.25 УзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Миртемир. «Меҳри дарё Узбекистоним». Адабий композиция.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.35 «Пионерлар мамлакатида».
19.05 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Партия турмуши». Сурхондарё область Ленинйўл район партия комитетининг иш услуби ва методлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестри ижросида Узбекистон композиторларининг миниатюралари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Қизил олма». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —15.05 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Уқитувчи экрани.
18.50 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 3-серия. (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Рассом Шилов диёри». Ҳужжатли фильм.
20.35 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

ПАЙШАНБА, 31. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ стартлар».
10.25 «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 1-серия.
12.00 «Азизларим». Телефильм.
12.25 «Тоғлар куйлаганда». Фильм-концерт.
12.45 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Москва комсомолининг ишлари».
16.45 «Пушкин шеърияти оламида». 2-кўрсатув.
17.35 К. Дебюсси. Прелюдиялар.
18.15 «Шахмат мактаби».
18.45 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Нурафшон давра».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети».
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 Оқшом тароналари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Телефильмлар: «Тўхтахон опанинг алласи», «Ток новдаси ҳақида ўйлар».
10.00 Опералардан хорлар.
10.30 Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида.
11.20 «Сиз яратган боғ».
11.50 —12.20 Ҳўжаликни юритиш мактаби. «Бригада пудрати».
12.50 М. И. Глинка. Туғилган кунининг 180 йиллигига.
14.35 «Ё остидан, ё устидан». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.05 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўллаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 «Баҳор байрами». Тошкентдан олиб кўрсатилади.
19.45 —20.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Гуллаб турган арғамчи дарахти ёқалаб». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5- ва 6-серилар.
23.35 Спорт кўрсатуви.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Энди кетаверишсин». Телевизион бадиий фильм (рус.).
12.15 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
12.45 «Сопол ўйинчоқлар». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». (такрорий).
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Бузилмас иттифоқ». УзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Туркманистон телевидениесининг программаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ». Туркманистон телевидениесининг программаси (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали.
23.05 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 15.00 МТ II
18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 «Тоғ кўллари сири». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
18.50 «Стадион ҳамма учун». «Ритмик гимнастика ҳақида суҳбат» (рус.).
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Ҳам меҳнат, ҳам маҳорат». Телекўрсатув (рус.).
21.30 МТ II.

ЖУМА, 1. VI

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Нурафшон давра». «Жаҳон халқларининг ижоди» туркумидан.
10.10 «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 2-серия.
11.40 Мультфильм.
12.20 Концерт.
12.40 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
16.05 Волгоград музика билим юрти рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.25 «Рус тили».
17.00 «Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серилар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Оперетта артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
23.30 М. Глинканинг симфоник миниатюралари.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар: «Келажак заводлари», «Ойкумен чеккасида».
10.00 Мактаб ўқувчиларининг УССР Давлат мукофотининг лауреати, ёзувчи В. Коротич билан учрашуви.
10.35 «Қувноқ нотачалар».
11.35 —12.35 «Ёдингдами, ўртоқ».
13.05 «Эҳ, шумтакалар». Бадиий фильм.
14.10 Қўшиқлар ва чолғу куйларидан концерт.
14.55 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.15 —20.30 «РСФСР халқ артисти Ю. Соломин».
20.45 «Тириклар рўйхатига мангу битилган». Телефильм.
21.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
22.55 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. Ярим финал. 2-тайм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Кичик юлдузлар». Болалар учун фильм-концерт.
11.05 «Азизларим». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кинопрограмма.
11.55 Болалар учун. «Бойчечак».
12.30 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Ургатилган паровозча».
18.25 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Чамандаги гуллармиз». Адабий-музикали композиция.
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Сенга, фестиваль!» Тошкент Кино уйида Узбекистон рассомларининг кўргазмаси.
20.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли ижросида жаҳон халқларининг рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —15.00 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
19.00 «Абитуриент-84». Тошкент Давлат халқ хўжалиги институти.
19.30 «Дала шийпони — идеология ишлари марказий». «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакциялари ва Узбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Гарри Каспаров». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА, 2. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт премьераси (Тошкент).
10.05 «Спортлото»нинг 22-тиражи.
10.15 «Калуга архитектураси».
10.45 «Сизга манзур адабиётлар».
11.30 «Усимликлар олами».
12.15 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.30 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
14.05 «Сиз бунга қодирсиз».
14.50 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.20 «Дунё воқеалари».
15.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
16.30 С. Рахманиновнинг этюд-манзаралари.
16.45 «Дўстларимиз чеҳраси».
17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.00 Халқ хорларининг иккинчи Бутуниттифоқ кўриги.
18.40 Мультфильмлар.
19.15 Совет қўшиқларидан концерт.
19.30 «Цирк майдонида».
20.10 А. С. Пушкин. «Бўрон». Телеспектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. Англия — СССР терма командалари. 2-тайм. Англиядан олиб кўрсатилади.
22.45 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар: «Мен ишчи бўлардим...», «Давр оҳангида».
10.15 «Тонгги почта».
10.45 «Ҳаётга йўлланма».
11.45 ГРУЗИЯ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.05 Ҳужжатли фильм.
13.25 «Саёҳатчилар клуби».
14.25 «Н. Д. Шпиллер ҳикоя қилади».
15.25 Болалар учун фильм. «Сен осмонни кўрасан».
16.30 Мультфильмлар.
17.00 «Ираж». Ешлар спорт кўрсатуви.
18.45 «Музикали киоск».
19.15 «Халқаро обзор».
19.30 С. Прокофьев. «Рус увертюраси».
19.45 «Дирижаблнинг қайтиши». Телефильм.
20.00—20.30 Спорт кўрсатуви.
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 «Ашула айтмоқчиман». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ҳужжатли кино экрани». Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига бағишланади.
11.25 «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм.
12.30 Ҳамза номли музика билим юрти студентлари халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.30 «Салом, пионер ёзи!» (рус.).
14.10 «Кино артистлари куйлайди».
* * *
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ. Санъат саройидан олиб кўрсатилади.
18.00 Мультфильмлар.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
19.10 «Буюк ва қудратли» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 В. И. Ленин номли Тошкент электрон-техника заводи халқ рақс ансамблининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Халқ рақс ансамбли концертининг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Иван Васильевич ўзгартиради». Кинокомедия.
23.40 Кўрсатувлар программаси.
● 15.30 — 21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 3. VI

МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мелиораторлар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта».
13.15 «Қишлоқ янгиликлари».
14.15 «Музикали киоск».
14.45 «Рим». Ҳужжатли фильм.
15.20 «Л. Берте куйлайди». Опера.
15.30 «Бугун — Мелиоратор куни». Кўрсатувда Мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Балаев иштирок этади.
16.00 «Хатларингиз асосида». Мелиораторлар кунига бағишланган музикали кўрсатув.
16.40 Мультфильм премьераси.
17.15 «Халқаро панорама».
18.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. Танаффус пайтида «Агар соғлом бўлай десанг».
19.35 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
19.45 «Биз қўшиқларда қолдирган из». Концерт.
20.15 «Саёҳатчилар клуби».
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 «Лўли ҳикоялари». Балет. Концерт премьераси.
22.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядка, сафланинг!»
9.20 «Музикали Красноярск».
10.00 «Рус тили».
10.30 Бадиий гимнастика бўйича «Советская культура» газетасининг совриндорлари халқаро мусобақалар.
11.00 Хор ва симфоник оркестр иштирокидан концерт.
12.00 «Стадион ҳамма учун».
12.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
13.00 «Менинг Узбекистоним». Телефильм (Тошкент).
13.10 «Машҳур совет хирурги — Ленин мукофотининг лауреатлари».
14.00 «Ҳайвонот оламида».
15.00 «9-студия».
16.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар учун матч.
17.35 Мультфильм.
17.45 «Левановскийнинг мажлум» квадрати». Ҳужжатли фильм.
18.05 «Икки капитан». Телефильм. Бадиий фильм. 3-серия.
19.30 «Давлат рус музейи. Сентябрь туфайли туғилган санъат».
20.00—20.30 Спорт кўрсатуви.
20.45 «Кинотомошабин эълон қилади».
21.30 «Время».
22.05 «Жабрланувчининг қўриқламалари». «Полициянинг телефони—110» тўғрисида телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР).
23.30 Спорт кўрсатуви.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Шум бола». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
12.00 «Қувноқ стартлар».
12.40 «Прелюдия». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
13.00 В. Тендряков. «Хароший кечаси». Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Қўқон Узбек давлат мусиқали драма театрининг спектакли.
14.40 «Узбекистон спорти».
15.20 Реклама.
* * *
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшнинм, жон қўшним».
19.10 «Бугун — Мелиоратор куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Узбек лирикаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Назм ва наво». Узбек лирикаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Иван Васильевич ўзгартиради». Кинокомедия.
23.40 Кўрсатувлар программаси.
● 15.30 — 21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ГРАММАСИ.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР САНЭПИДСТАНЦИЯСИ

Уй ва кўча ҳайвонлари кишиларни тишлаганда, ундан келиб чиқадиган қутуриш касаллигининг олдини олиш мақсадида қуйидаги

ШАҲАР ПОЛИКЛИНИКАЛАРИНИНГ ҚОШИДАГИ ХИРУРГИЯ-ТРАВМАТОЛОГИЯ ПУНКТЛАРИДА ВА ШИФОХОНАЛАРИДА ҲАР КУНИ (кеча ва кундузда, дам олиш ва байрам кунларида) МАЛАКАЛИ, ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ҚУЙИДА ШУ ПОЛИКЛИНИКАЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ:

Ленин районидаги 1-поликлиникага қарашли травматология пункти. Ленин ва Ҳамза районининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 29-уй, Титов кўчаси, 6-уй. Телефонлар 56-14-51, 56-05-55. (1, 3, 4, 5, 13, 12-трамвайларнинг «ЦУМ» бекати).

Куйбишев районидаги 7-поликлиникага қарашли травматология пункти. Куйбишев ва Киров районининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри—125, Ж. Обидова кўчаси, 126-уй, Високовольтний массиви. Телефон 62-63-43. (13, 22-трамвайларнинг «Дом бита»; 4-автобуснинг «Поликлиника» бекати).

Чилонзор районидаги 24-поликлиникага қарашли травматология пункти. Чилонзор ва А. Икромов районининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри—115, Пионерская кўчаси, 7-уй. Телефон 77-24-62. (2, 3, 50, 54, 84-автобусларнинг «Савдо маркази» бекати).

Собир Раҳимов районидаги 33-поликлиникага қарашли травматология пункти. С. Раҳимов ва Октябрь районининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри—178, 2/4-Қорақамиш массиви. Телефонлар 29-06-41, 29-06-44. (38, 56, 65, 59-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

Фрунзе районидаги Тўқимачилик комбинатига қарашли медицина-санитария қисмидаги травматология пункти. Фрунзе ва Сергели районининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри—100, Ш. Руставели кўчаси, 84-уй. Телефонлар 53-98-68, 53-98-94. (18, 58, 57, 60-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

15-шаҳар клиника шифохонаси, Куйбишев, Киров, Ленин ва Ҳамза районлари аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Ново-Московская кўчаси, 4-уй (4, 5-троллейбуслар: 22, 23, 3, 29-трамвайларнинг «15-шаҳар клиникаси» бекати).

Шаҳар тез ёрдам кўрсатиш шифохонаси. Акмал Икромов, Сергели, Фрунзе, Собир Раҳимов, Октябрь ва Чилонзор районларининг аҳолисига хизмат қилади.

Адрес: Чилонзор массиви, Х. Турсунқулов кўчаси, 34-уй. Телефонлар 78-57-40, 78-57-51. (13, 70-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати).

1-республика клиника шифохонаси (ТошМИ). Область, шаҳар ва районлардан келган аҳоли учун хизмат қилади.

Адрес: К. Маркс кўчаси 10. Телефон 66-28-52. (27, 13, 4, 15-трамвайлар; 72, 80, 10, 48, 16, 3-автобусларнинг «ТошМИ» бекати).

14-шаҳар болалар шифохонаси. Куйбишев, Акмал Икромов, Чилонзор, Сергели, Фрунзе, Собир Раҳимов ва Октябрь районларидан келган болалар учун хизмат қилади.

Адрес: Луначарское шоссеси, 165-уй. Телефонлар 66-14-35, 66-14-32. (1, 4, 17, 20, 62, 74-автобусларнинг «Саёҳат» меҳмонхонаси» бекати).

17-шаҳар клиника шифохонаси. Ленин, Киров ва Ҳамза районидан келган болалар учун хизмат қилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гиссарский кўчаси, 24-уй. Телефон 24-59-44. (44-автобуснинг «17-шаҳар клиника шифохонаси» бекати).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/V да **Пётр Биринчи**, 27/V да **Гўзал Василиса** (12.00), **Кармен** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/V да **Қиёмат қарз**, 27/V да **Юлдузли тунлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/V да **Тошболта ошиқ**, 27/V да **Ватан ишқи** (16.00, 19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гастроллари** 26/V да 18.30 да, 27/V да 11, 15, 18.30 да).

кино

26, 27 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САЛАМАНДРА»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ ХАЗИНАСИ ТОМОН» —**Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06).

Собир Раҳимов пишчеторгининг 68-магазин мудири **Ш. Баҳодиров** номига таъминотчилардан товарлар қабул қилиб олиш учун берилган КАШ 293743 номерли йўқолган

ҲИСОБ ЧЕКИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«РОҲАТ» ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИДА

27 МАЙДА

САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ БЎЙИЧА

ЯРМАРКА ИШЛАЙДИ

Ярмаркада бўфет, ресторанларнинг филиаллари мавжуд.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ГЛАВСРЕДАЗСТРОЙ» ХОЗСТРОЙМАТЕРИАЛЛАРИ БАЗАСИ ЧИНОЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТРУКЦИЯЛАРИ БИРЛАШМАСИ СССР Темир йўллар министрлигининг транспортация ситасини бошқариш кенгаши ни беради ган ўзининг эга бўлган магистрал ловозларининг машинистлари ва машинист ёрдамчилари

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ишга қабул қилинади: **Чиноз шаҳрида ишлаш жой билан таъминланади.** **Комбинат болалар боғчаларига эга:**

Комбинат транспорт воситаларини ишга ва ишдан олиб боради.

Мурожаат учун: Тошкент область Чиноз шаҳри.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи институт илмий ходими Н. Я. Волгага отаси

Яҳъё Мирсаидович НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

26 МАЙ, 1984 й. Р-07281. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10